ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

49 (651)

2008 йил 3 декабрь

Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

веб-сайт: www.mahalla.uz
e-mail: mahalla.gz@rambler.ru

саҳифада

2
▶ Мард йигитнинг хоки хор бўлмас
▶ Чўлда боғбонга иш кўп

3
▶ Одам сотган Санамгина...
▶ Тажовузкор тошбақанинг ҳужуми

4
▶ Кўприк устида тўқнашганлар
▶ Ўғилнинг қарзи отанинг гарданида(ми?)

ISSN 2010-7013

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Қурбон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни сақлаш ва улуғлаш, фуқароларнинг ҳамжиҳатлиги ва меҳр-оқибатини мустаҳкамлаш, ёш авлоднинг руҳий ва маънавий оламини бойитиш, уларнинг қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада юксалтириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Диний байрам – Қурбон ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақида"ги 1991 йил 20 июндаги ПФ-221-сон Фармонига мувофиқ:

1. 2008 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 8 декабрга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси мурожаати инобатга олинсин ҳамда мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа барча мутасадди давлат ва жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига байрам тадбирларини кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 1 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн олтинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси 2008 йил 4 декабрь куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2008 йил 3 декабрь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

ИДОРАЛАРАРО КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Самарқанд шаҳрида одам савдосига қарши кураш бўйича вилоят идоралараро комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Комиссия аъзолари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этган мажлисда Президентимизнинг шу йил 8 июлда қабул қилинган «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар, галдаги вазифалар муҳокама этилди.

Жамият тараққиётига жиддий таҳдид солиб, умуминсоний қадриятларнинг поймол этилишига сабаб бўлаётган мудҳиш иллат – одам савдоси ва унга қарши курашиш борасида мамлакатимизда кўплаб ишлар амалга оширилаётир. Юртбошимиз ташаббуси билан «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилиниши мамлакатимизда бу борадаги ҳуқуқий асосни янада мустаҳкамлади. Айни пайтда комиссия томонидан мазкур қонун моҳиятини аҳолининг барча қатламларига етказиш бўйича тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Аммо кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар учраб турибди.

Мажлисда ҳуқуқ-тартибот идоралари ва бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг сабаб ва оқибатлари ҳақида сўз юритдилар. Хорижга ишга жўнатувчи ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, бўш иш ўринлари тарғиботини кучайтириш ва аҳоли ўртасида доимий тушунтириш ишларини олиб бориш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда Самарқанд вилояти ҳокими Ў.Барноев сўзга чиқди.

Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири.

Mahalla

— Яна нима дейсиз?

— Ният холис бўлса, таёқ экиб боғ, чўлдан ялроқ ундурса бўлади.

ИМКОНИЯТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИБ...

Мамлакатимиз иқтисодиётида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар чет эллик сармоядорлар билан ҳамкорлик кўламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда. Хорижий ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган кўплаб корхоналарнинг фаол иш юритиши, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариши ва хизмат кўрсатиши учун юртимизда барча шарт-шароит муҳайё этилган. Бу эса хориждаги иш одамларининг мамлакатимизга сармоя киритишга қизиқишини тобора оширмоқда. Пойтахтимиздаги "Электрон ҳисоблагич" Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси бунга мисол бўла олади.

(Давоми 3-саҳифада)

ФАОЛИЯТНИНГ 11 ОЙЛИК ЯКУНЛАРИ

Раёсат йиғилишида қизғин муҳокама қилинди

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви Раёсатининг кенгайтирилган йиғилиши жорий йилнинг 11 ойлик якунларига бағишланди. Унда жамғарманинг республика бошқаруви Раёсати аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари бошқарув раислари ҳамда жамғарма фаоллари иштирок этишди.

Йиғилишда дастлаб Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, "Маҳалла" жамғармасининг "Ёшлар йили" Давлат дастури ҳамда жамғарманинг йиллик иш режаси ижроси муҳокама этилди.

— Амалдаги йилнинг 11 ойи давомида Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви ва ҳудудий бўлимлар томонидан "Ёшлар йили" Давлат дастури ижроси юзасидан қатор тадбирлар амалга оширилди, — деди жамғарма бошқаруви раиси Анвар Аҳмедов. — Хусусан, ёшларнинг таълим олиши, спорт билан шуғулланиши учун шарт-шароитлар яратиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида жойларда ибратли ишлар қилинди. Шу билан биргаликда маҳаллаларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, ўзини ўзи бошқариш тизимини такомиллаштириш, ҳукумат қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ижросини таъминлаш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган.

Раёсат йиғилишида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги қарори талабларининг Сирдарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида бажарилиши юзасидан мазкур вилоятлар бўлим бошқаруви раислари ахборот берди. Йиғилишда қарор ижроси юзасидан маҳалла, қишлоқ, шаҳарча ва овулларда қилинган ишлар билан бир қаторда йўл қўйилган камчиликлар ҳам айтиб ўтилди. Хусусан, ҳамкор ташкилотлар билан фаолият юритишда баъзи сусткашликларга йўл қўйилгани таъкидланди.

Раёсат йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг Қорақалпоғистон Республикаси ва Фарғона вилоятидаги ижроси юзасидан ахборотлар тингланди. Мунозараларда Қорақалпоғистон Республикаси ва Фарғона вилоятида одам савдоси туфайли жабрланган фуқаролар тўғрисида маълумотларни жамлаш, ушбу жиноятнинг олдини олиш бўйича мутасадди ташкилотлар билан ахборот алмашиш борасида қатор камчиликларга йўл қўйилганлиги айтиб ўтилди.

Йиғилишда "Маҳалла" жамғармасининг сарф-харажатлар тақсимоти ижроси ҳақидаги маълумотлар иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди. Шунингдек, "Маҳалла" жамғармасининг низомий иш фаолиятини янада ривожлантириш, оиладаги маънавий-ахлоқий муҳит барқарорлигини сақлаш, ёшлар тарбияси, уларнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш каби масалаларга эътибор қаратиш муҳим вазифа эканлиги уқтириб ўтилди.

Раёсат йиғилишида кўриб чиқилган масалалар юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ўз мухбиримиз

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

МУҚОБИЛЛИК ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Сурхондарё вилоятида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови давом этмоқда. Таъкидлаш жоизки, бу галги сайловлар қонунчилик талаблари ва муқобиллик асосида ўтаётгани билан аввалгиларидан фарқ қилади. Жумладан, йиғин раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлашда номзодларнинг билими, дунёқараши, ҳаётий тажрибаси, аҳоли ўртасидаги обрў-эътиборига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Ҳар бир маҳалла оқсоқоллигига 5-10 нафар номзод кўрсатиляпти, — дейди маҳалла фаоли Ҳумойиддин Шарофиддинов. — Бу фуқароларнинг танлаш имкониятини янада кенгайтиради. Сайловларда ҳар томонлама муносиб, халқ ишончини қозонган, фидойи инсонлар сайланаётгани, айниқса, диққатга сазовордир.

Дарҳақиқат, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунда белгилаб қўйилганидек, фуқаролар йиғинлари давлат ҳокимияти органларининг бир қатор вазифаларини ўз зиммасига олди. Демак, бугун фуқаролар йиғинларига кимлар раислик қилиши муҳим аҳамият касб этади. Зеро, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз самараси кўп жиҳатдан йиғин оқсоқоллари фаолиятига ҳам боғлиқдир.

Йиғин раиси ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш жараёни **Тошкент вилоятида** ҳам сайловчилар зўр фаоллиги асосида ўтмоқда. Ҳудуддаги қатор маҳаллаларда бўлиб ўтган сайловлар бу хусусда шундай хулосага келиш имконини беради.

Бўка туманидаги «Дўстлик» маҳалласида ташкил этилган сайловда йиғин раиси вазифасига тўрт нафар номзод кўрсатилган эди. Мазкур тадбирнинг «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида ўтказилгани сайловчиларга барча имкониятларни яратиб берди. Аҳоли томонидан сайлаб қўйилган 72 нафар вакил келгусида ўз маҳалладошларининг ташаббускорлигию уюшқоқлигини ифода эттиришга қодир номзодга овоз берди.

Зангиота туманидаги «Ўзбекистон» маҳалласида ҳам оқсоқол ва унинг маслаҳатчилари сайлови кўтаринки руҳда бўлиб ўтди. Йиғин раиси вазифасига бир неча нафар номзод кўрсатилгани мазкур ижтимоий-сиёсий жараённинг муқобиллик асосида ўтишини таъминлади.

МУХБИРИМИЗ

Андижон вилояти

Оқсоқол кўнглида нима гаплар бор?

ҲАМКОРЛИК САМАРА БЕРДИ

Шу кунларда Қўрғонтепа шаҳридаги «Савай» маҳалласида «Тозалик ва ободончилик 10 кунлиги» ўтказилмоқда. Унда йиғин ҳудудидаги уч юзга яқин хонадонда истиқомат қилаётган икки минг нафар аҳоли иштирок этяпти. Ушбу тадбирни уюштиришдан кўзланган мақсад ҳудуддаги турар жойлар, кўча ва йўлларни тозалаш, ободонлаштиришдан иборатдир.

— Оқсоқол сифатида фаолият бошлаганимдан сўнг маслаҳатчилар иштирокида ўтказилган биринчи йиғилишимиз қарори ана шундай амалга оширилянти, — дейди йиғиннинг янги раиси Нўъмонжон Нуралиев. — Ишни Муҳаммадсоли Алиохуновлар хонаданига маҳалла фаоллари ва кўчабошиларни таклиф этишдан бошладик. Чунки бу хонадан ҳудудимиздаги энг намунали оилалардан ҳисобланади. Икки келин аҳил-иноқ яшайди. Хонадон бекаси Роҳатой опа эса уларга доимо маслаҳаттўй.

Ободончилик ўн кунлиги доирасида бажарилиши лозим бўлган ишларнинг боришини 13 нафар кўчабоши назорат қиляпти. Тадбир якунлари бўйича мавжуд 13 та кўчанинг ҳар биридан энг намунали хонадонлар аниқланади. Ғолибларга қимматбаҳо совғалар топшириш ҳамда хонадон пештоқига «Энг намунали хонадон» сўзлари ёзилган тахтача осиб қўйиш режалаштирилган.

«Савай»да 3 декабрь — Халқаро ногиронлар кунига пухта тайёргарлик кўрилиб, муайян тадбирларни амалга ошириш белгилаб олинди. Шунга асосан, тадбиркор Насрулло Зиёддинов томонидан маҳалладаги жисмоний имконияти чекланган инсонлардан 8 нафари ҳолидан хабар олиниб, уларга совғалар тарқатилди.

Тумандаги «Янги бўстон» маҳалласи раислигига яқинда сайланган Абдулла Бадалов ишни ҳудуддаги 6-умумий ўрта таълим мактаби билан ҳамкорлик ўрнатишдан бошлади.

— Ўқитувчи ва ўқувчиларимиз маҳалладаги барча тадбирларда фаол иштирок этишга тайёр, — деди мактаб директори Алишер Тошпўлатов йиғин раисига. — Ўз ўрнида, биз ҳам сиздан бир муаммони ҳал этишда амалий ёрдам сўраймиз. Негадир кейинги кунларда ўқувчиларнинг дарсларда иштирок этиш кўрсаткичи бироз пасайди. Бунга асло йўл қўйиб бўлмайди...

Ўша куни маҳалла маслаҳатчилари ва кўчабошилар иштирокида йиғилиш чақирилди. Тез орада фаоллар маҳалладаги тарбиясига аҳамият қаратиш лозим бўлган болаларнинг отаоналари билан учрашиб, муаммони ҳал қилиш йўлларини излади. Қолаверса, ҳар бир кўчабоши бир неча кун давомида ўзига бириктирилган болаларнинг мактабга бориб келишини назоратга олди. Натижада ўқувчиларнинг дарсларда иштирок этиш кўрсаткичи кескин яхшиланди.

Янги раис эндиликда ҳудуддаги қишлоқ врачлик пункти, болалар боғчаси ва профилактика инспектори билан яқин ҳамкорликни йўлга қўймоқчи.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

3 декабрь — Халқаро ногиронлар куни

НОГИРОНЛАР ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯСИ

янги таҳрирдаги қонунда ўз ифодасини топган

Юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, энг аввало, инсон манфаатларини таъминлашга ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган. Бу, айниқса, сўнги йилларда мамлакатимиз парламенти томонидан қабул қилинаётган қонунларда ўз ифодасини топмоқда.

Жорий йилда "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуннинг қабул қилиниши ушбу йўналишдаги фаолият кўламини янада кенгайтирди. Янги таҳрирдаги қонунда ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида ҳукуматнинг, турли давлат ва нодавлат ташкилотлар, муассасаларнинг иштироки аниқ белгилаб берилган. Яна шуниси эътиборлики, ушбу меъёрий ҳужжатда "ногирон" тушунчасига халқаро нормалардан келиб чиққан ҳолда атрофлича таъриф берилган. Унга кўра, нафақат ақлий ёки жисмоний, балки руҳий ёки сенсор (сезги) нуқсонлари борлиги туфайли турмуш фаолияти чекланган инсонлар ҳам ногирон ҳисобланади. Улар ижтимоий ҳимоя сўрашга ва ундан фойдаланишга ҳақли. Бу бевосита ногиронларнинг инсоний ҳуқуқлари тан олиниши ҳамда уларга кенг имкониятлар яратиб берилганидан далолатдир.

Янги таҳрирдаги қонунга "ногирон болалар" тушунчаси киритилганини ҳам алоҳида эътироф этиш жоиз. Негаки, бу ногирон болаларга соғлом тенгдошлари сингари таълим-тарбия олиш, касб-ҳунар ўрганиш имкониятини беради. Масалан, қонуннинг 19-моддасида: "Давлат бошқаруви органлари, маҳалий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ногирон болаларнинг уларни ҳар томонлама ва уйғун ривожлантиришга, уларда ижтимоий фаолликни, меҳнатга қизиқишни тарбиялашга, уларни илм-фан, техника, санъат ва спортга жалб этишга қаратилган мактаблан ташқари таълимдан фойдаланишини таъминлайди, бунинг учун зарур шароитлар яратади", деб кўрсатилган.

(Давоми 2-саҳифада)

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

ИНСОН ВА ЖАМИЯТ ФАРОВОНЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланганидек, давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принципларига асосида амалга оширади.

Истиқлол йилларида юртимизнинг барча соҳаларида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар замирида, аввало, ана шундай эзгу тамойиллар мужассамдир. Муҳими, улар нафақат жамият, балки ҳар бир инсон ҳаётида ўз ифодасини топаётгани турмушимизда яққол намоён бўлаётир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллиги ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16 йиллигига бағишлаб ўтказилган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг масъулиятига бағишланган илмий-амалий конференцияда шу ҳақда сўз борди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Марказий сайлов комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Адлия вазирлиги масъул ходимлари ҳамда нодавлат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Конституциявий суд раисининг ўринбосари Б.Мирбобоев, Бош прокурор ўринбосари Ҳ.Ҳалимов ва бошқалар Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йилларида қонунларнинг амалда бажарилишини таъминлай оладиган, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга, мамлакатни модернизация қилишга қаратилган вазифаларни бажаришга қодир давлат органларининг самарали тизими яратилганини таъкидладилар.

Давлат органлари фаолиятининг самарадорлиги эса мансабдор шахсларнинг масъулияти, маънавиятига боғлиқдир. Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган Ўзбекистонни ривожлантиришнинг беш тамойилидан бири - давлатнинг бош ислоҳотчи эканлиги давлат органлари ва мансабдор шахсларга катта масъулият юклайди.

Мамлакатимизда ислоҳотлар доирасида давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасидаги масъулиятини ошириш мақсадида кенг кўламли тадбирлар амалга оширилаётганлиги демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишга хизмат қилмоқда.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири.

Азиз муштарий! Севимли нашрингиз «MAHALLA» газетасига обуна бўлишга шошилинг!

НОГИРОНЛАР ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯСИ

янги таҳрирдаги қонунда ўз ифодасини топган

(Давоми. Боши 1-саҳифада)

Шунингдек, қонунда ўн олти ёшгача ҳамда ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган болаларни ногирон деб топиш тартиби аниқлаштириб қўйилган. Буларнинг барчаси халқаро меъёрий ҳужатлар, жумладан, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга тўла мос келади ва ногирон болаларга мўлжалланган ижтимоий имтиёзларнинг аниқ йўналтирилишига хизмат қилади.

Қонуннинг "ногиронларни реабилитация қилиш", "тиббий-ижтимоий экспертиза" каби янги тушунчалар билан бойитилгани ҳамда ногиронларга ҳар томонлама қулайлик яратилишини таъминлайди. Бинобарин, ногиронларни реабилитация қилишдан асосий мақсад уларнинг тўлақонли турмуш кечиришига, ўз ҳуқуқ ва потенциал имкониятларини рўёбга чиқариш ҳамда касбий фаолиятга оид қобилиятларини тиклашига ёрдам беришдан иборатдир.

Баъзан жамоат транспорти хизматидан ёки алоқа ва ахборот воситаларидан фойдаланишда ногиронлар имкониятлари чекланганлигига гувоҳ бўламиз. Янги таҳрирдаги қонунда эса бу масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Эндиликда қонун талабига кўра, аҳоли яшаш жойларини лойиҳалаш ва қуриш, транспорт воситаларини, алоқа ва ахборот воситаларини яратиш ҳамда ишлаб чиқаришда ногиронларнинг эҳтиёжлари инобатга олинади. Шунингдек, аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни амалга оширувчи ташкилотлар вокзал, аэропорт ва бошқа объектларни уларнинг хизматларидан ногиронлар бемалол фойдаланиш имконини берувчи махсус мосламалар билан жиҳозлашни таъминлайди.

Яна бир муҳим жиҳати, ходимлар сони йигирма нафар кишидан ортиқ бўлган корхона, муассаса ва ташкилотларда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ногиронларни ишга жойлаштириш учун ходимлар сонининг камида уч фоизи миқдорида иш ўринларининг энг кам миқдорини белгилайди ва захирада сақлайди. Акс ҳолда, ҳар бир яратилмаган иш жойи учун корхона, муассаса ва ташкилотга ходимнинг ўртача йиллик иш ҳақи миқдорида жарима солинади.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу ҳужжат мамлакатимизда ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш ва муносабатларни тартибга солишда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Ўктам ХУДОЙҚУЛОВ,
"Mahalla" мухбири.

Бухоро вилояти

ҚИШЛОҚДА РАВОН ЙЎЛЛАР

Ромитан туманидаги "Хўжауббон" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 4 та қишлоқ бор. Мазкур қишлоқларнинг ички йўлларини тартибга солиш йиғин фаолларининг доимий эътиборида бўлган масалалардан бири саналади.

Улар бу борада қишлоқ мулкдорлари — фермерлар кўмагидан унумли фойдаланишмоқда. Яқинда Қўрғон қишлоғидаги узунлиги 2 километрга тенг бўлган йўлга асфальт ётқизилди. Бу хайрли иш учун фермер Шерали Рустамов маблағ ажратди.

Пахта ва ғалладан яхши ҳосил кўтариб, дурустгина даромад кўрган "Янгиобод-2" фермер хўжалиги раҳбари Илёс Рустамов эса Янги Хўжауббон қишлоғидан ўтувчи 1,5 км масофадаги йўлни асфальтлаштириш ишига бош-қош бўлди. Айни чоғда Бўстонобод қишлоғи ҳудудидан ўтувчи 2 километр масофадаги йўл ҳам таъмирланмоқда.

— Йиғин таркибидаги 3 та қишлоқ аҳолиси табиий газ босимининг пастлиги сабаб, ундан фойдаланишда азият чекишарди, — дейди йиғин раиси Содиқ Қодиров. — Аҳоли ва фермерларнинг молиявий кўмаги билан янги газ қувури тортилди ва бу муаммо ҳам ечимини топди.

Ҳамроз АЛИ,
"Mahalla" мухбири.

Андижон вилояти

САЛОМАТЛИК МАРАФОНИ

Қўрғонтепа туманида жойлашган марказий поликлиника шифокорлари ташаббуси билан "Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлар" шиори остида саломатлик марафони ташкил этилди.

Шунингдек, шифокорлар томонидан "Мурувват уйи"да ва оилаларда тарбияланаётган 500 нафар ногирон болалар, оила қуриш ниятидаги бир ярим минг нафар ёшлар тиббий кўрикдан ўтказилди.

Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш масаласи ҳам шифокорлар эътиборида. Шу сабабли тумандаги ўқув муассасалари ўқувчилари иштирокида "Соғлом оила, соғлом ҳаёт", "ОИТС — аср вабоси", "Ёшлар ўртасида гиёҳвандликнинг олдини олиш" мавзусида учрашувлар, давра суҳбатлари тез-тез ўтказиб турилади. Саломатлик маркази томонидан тайёрланган турли хил мавзудаги буклетлар тарқатилади.

Ҳозирда шифохонани зарур жиҳозлар билан таъминлаш мақсадида Осиё тараққиёт банки томонидан 51 миллион сўм ажратилган.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

2008 йил — Ёшлар йили

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ ДАВЛАТ МУҲОФАЗАСИДА

Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама билимли ва соғлом этиб тарбиялаш давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида юритилаётган сиёсатнинг муҳим йўналишларидандир. Болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг ўсиб-улғайиши учун барча шароитларни яратиш, оналик ва болаликни муҳофазалашга давлатимиз томонидан қаратилаётган доимий эътибор ва кўрсатилаётган ғамхўрлик ана шу эзгу мақсад ҳаётга татбиқ этилаётганининг амалий тасдиғидир.

Ўсиб келаётган авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш ва ҳаётини яхшилаш, уларни ҳар томонлама муҳофазалашнинг қонуний асосларини яратиш, такомиллаштиришга қаратилган тизимли тадбирлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоялаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, етим болалар, ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлганларга ғамхўрлик кўрсатиш борасида ўз ифодасини топган тамойиллар бу йўналишдаги ишларда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир.

Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритганидан кейин қўшилган халқаро ҳужжатлардан бири — Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг ратификация қилиниши юртимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш, жумладан, болалар ҳақ-ҳуқуқларини кафолатлаш, уларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш давлат сиёсатининг муҳим йўналиши эканининг яна бир тасдиғи бўлди.

Ўзининг самарали натижаларини бераётган "Ёшлар йили" Давлат дастурига асосан болалар ва ёшларнинг манфаатларини янада кенгроқ таъминлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, унинг қонуний асосларини такомиллаштириш ишлари изчил давом этмоқда. Жумладан, 2008 йил 7 январда «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши билан юртимиздаги ҳар бир болани, шу жумладан, ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг ҳам ҳуқуқларини таъминлаш, ҳаётда ўз ўрнини топиши учун барча шароитларни яратишнинг янги асослари янада мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ҳамда ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ва Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунини ўз ичига олган тўплам уч тилда — ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашр этилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида мазкур тўпламнинг тақдимоти бўлиб ўтди. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар доирасида ўтказилган ушбу тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ва жамоат ташкилотлари, ҳуқуқ-тартибот органлари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, олимлар, мутахассислар ва журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази директори А. Саидов мамлакатимизда болаларни асраш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бераётганини таъкидлади. Жумладан, мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, Меҳрибонлик уйлари, болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, мазкур даргоҳларда яратилган шарт-шароитларни янада яхшилаш болаларнинг пухта таълим-тарбия олиши, келажакда ўз ўрнини топишига хизмат қилмоқда.

— Ўзбекистонда бола ҳуқуқлари нафақат қонуний кафолатлангани, балки уларнинг ижроси таъминланаётгани, бу йўналишдаги ишлар мақсадли тарзда амалга оширилаётгани қувонарлидир, — дейди ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Маҳбуб Шариф. — Бу йўналишда давлат дастурлари, ижтимоий лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаётгани ва уларнинг ижросида давлат ва жамоат ташкилотлари, ижтимоий муассасалар, ота-оналарнинг фаол иштирок этаётгани мазкур тадбирларнинг янада самарали бўлишини таъминлаётир.

Тадбирда бола ҳуқуқларини кафолатлашнинг қонуний асосларини янада такомиллаштириш, мамлакатимиз парламентида бу йўналишда олиб борилаётган ишлар хусусида сўз юритилди.

Ҳусниддин БЕРДИЕВ,
ЎзА мухбири.

Фарғона вилояти

ЎЗБЕК ЎҒЛОНИ ШАРАФИГА

Украинада хотира ёдгорлиги очилди

Иккинчи жаҳон урушида шаҳид кетганлар номини абадийлаштириш мақсадида Россия Мудофаа вазирлиги марказий архиви, Санкт-Петербургдаги ҳарбий-тиббий музей, МДҲ давлатларидаги нодавлат нотижорат ташкилотлар ва жамғармаларнинг ҳамкорликда олиб борган фаолияти яқинда ўз самарасини берди.

Украинанинг Днепропетровск области Никопол шаҳрида жойлашган Каменка-Клинка қишлоғида 30-отлиқ дивизия таркибидаги 127-отлиқ полкининг эскадрон командири, фарғоналик Бозор Ҳотамовнинг қабри топилди.

Асли Фарғона шаҳридаги ҳозирги "Бешбола" маҳалласида улғайган Бозор Ҳотамов қуролдошлари сафида 1941 йили 4 сентябрдан 5 сенябрга ўтар кечаси фашистлар билан жангга киришади. Днепр дарёсини кечиб ўтган отлиқ аскарлар душманни бир неча километр ортга қувади. Доталёвка қишлоғи душмандан озод қилинади. Бу қишлоққа биринчи бўлиб кириб келган капитан Бозор Ҳотамов эди. Жангда у оғир яраланиб, ҳалок бўлади. Қуролдош дўстлари ҳамюртимиз жасадини Днепр дарёсидан олиб ўтиб, Каменка-Клинка қишлоғига дафн этадилар.

1941 йилнинг сентябрида Белоруссия фронтининг 18-армияси нашри — "Знамя Родины" газетасида чоп этилган "Душман штаби яксон қилинди" сарлавҳали мақолада ўша жанг тафсилотлари баён этилган. "Электрометаллург" газетаси мухбири, "Поиск" гуруҳи раҳбари Л.Игнатенко Иккинчи жаҳон урушида фашистлар устидан қозонилган ғалабанинг 63 йиллигига бағишлаб ёзган мақоласида эса отлиқ дивизия ҳақида шундай фикр билдиради: "Улар — бизнинг биринчи халоскорларимиз. 1941 йилдаёқ бу жангчилар аҳоли қалбида ғалабага бўлган ишонч туйғуларини уйғотишган. Уларга абадий шон-шарафлар бўлсин!".

Дарвоқе, "Поиск" гуруҳининг Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги "Жаҳон" ахборот агентлиги орқали "Нуроний" жамғармаси Марказий кенгашига юборган сўров мактубига Бозор Ҳотамов ва унинг турмуш ўртоғи Гулчеҳра Ҳотамова, қизи Забаржадларнинг суратлари, ёзишмалари илова қилиб жўнатилди.

"Нуроний" жамғармасининг вилоят ва шаҳар бўлимлари томонидан жасур аскар туғилиб ўсган "Бешбола" маҳалла фуқаролари йиғини ва у ердаги 33-умумтаълим мактабида Бозор Ҳотамов хотирасига бағишланган тадбирлар уюштирилди. Шунингдек, Украинадаги "Поиск" гуруҳи қаҳрамон юртдошимизнинг барча яқинларини унинг қабрини зиёрат қилишга ва хотира ёдгорлигининг очилиш маросимига таклиф этди.

Алижон МИРЗАБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Қашқадарё вилояти

Муҳим қурилиш ашёси

— Китоб тумани ҳудудида жойлашган фирмамиз йилига ўн минг куб метр шағал қазиб, қайта ишлайди, — дейди фирма раҳбари Ваҳобжон Муродов. — Ҳозиргача тўққиз минг куб метрдан ортиқ шағал маҳсулотлари тайёрланди. Келгусида шағал маҳсулотларининг янги ўлчамлардаги фракцияларини тайёрлашни мўлжалламоқдамиз.

Қашқадарё вилоятида қад ростлаётган кўплаб коллеж, мактаб ва йўл қурилиши ишларида «Қашқадарё» шағал қазиб, қайта ишлаш хусусий фирмаси жамоасининг муносиб ўрни бор.

СУРАТЛАРДА: ёш тадбиркор Ваҳобжон Муродов барча ишда бош-қош; тайёр шағал маҳсулотлари истеъмолчиларга жўнатилмоқда.

Шомурод Шарипов (ЎзА) олган суратлар.

Сурхондарё вилояти

ЖАҲОН ЧЕМПИОНИГА ТУҲФА

Термиз шаҳрида Ўзбек кураши бўйича жаҳон чемпиони, Пекинда ўтказилган ёзги олимпиада ўйинлари кумуш медали совриндори Адулла Тангриев билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда сўзга чиққан халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов, Сурхондарё вилояти ҳокими Туробжон Жўраев, кураш бўйича жаҳон чемпиони Тоштемир Муҳаммадиев, Бойсун туманидаги «Хўжабўлғон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хурсанд Ғаниев ва бошқалар таниқли спортчига келгуси мусобақаларда омадлар тилашди.

— Юртдошларим билан учрашувда жуда ҳаяжондаман. Ҳатто олимпиада мусобақаларида гиламга чиқанимда ҳам мени бунчалик ҳаяжон эгалламаганди,— деди таниқли полвон. — Насиб этса, 2012 йили Лондонда ўтказиладиган олимпиада ўйинларида қатнашиб, юртимизга олтин медал билан қайтаман.

Учрашув якунида Абдулла Тангриев ва унинг устози Абдукарим Тангриевга зарбоф тўн кийгизилди. Вилоят ҳокимлиги томонидан моҳир курашчига 5 ёшли учқур от туҳфа этилди. Шунингдек, унга Термиз шаҳар ҳокимлигининг уй-жой қуриш учун 12 сотих ер ажратиш тўғрисидаги қарори ҳам топширилди.

Эркин МУҚИМОВ

Сайлов қонунчилигини ўрганамиз

"Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунидан

27-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиси такрорий сайлови

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиси такрорий сайлови қуйидаги ҳолларда ўтказилади:

аввалги сайлов ўтмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган бўлса;

такрорий овоз бериш фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиси сайланганлигини аниқлаш имконини бермаса;

фуқаролар йиғинида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиси вазифасига кўпи билан икки нафар номзод кўрсатилган ҳамда улардан биронтаси ҳам сайланмаган бўлса.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиси такрорий сайлови ушбу Қонуннинг талабларига риоя этилган ҳолда кўпи билан бир ойлик муддат ичида ўтказилади.

28-модда. Бўшаб қолган ўринларга фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиси сайлови

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиси ваколатлари муддатидан илгари тугатилган бўлса, тегишли фуқаролар йиғинларида ушбу Қонуннинг талабларига риоя этилган ҳолда янги сайлов ўтказилади.

Муносиб тақдирланганлар

Хоразм вилояти

РАҒБАТ ТОПГАН МУАЛЛИМ

...Қўнғироқ чалинди. Кимё дарси бошланди. Синфдошларидан ўйинқароқлиги билан ажралиб турувчи Маъмуржон дафтарини шоша-пиша очди-ю, уй вазифасини яна бажармагани эсига тушди. Устози уй вазифасини тўғри бажарганларни олқишлаб, хато қилганларга йўл-йўриқ кўрсатганча яқинлашаркан, Маъмуржон нима қиларини билмай ишонарли баҳона излар эди. Қандай баҳона топса экан? Яхшиси, «Ойим касал бўлиб қолди. Укаларимга қарадим, дарс қилолмадим», деб қўя қолади.

«Хўш, Раззоқов, нега вазифани бажармадинг?» Тайёрлаб қўйган баҳонасини айтишга оғиз жуфтлаган Маъмуржон ўзига синовчан тикилиб турган устозининг ўткир нигоҳидан довдираб қолди.

«Мавзуни тушунмаган эдим...», базўр тили калимага келди Маъмуржоннинг. Сўнг ўқитувчи боплаб таъзиримни беради, деган ўйда кўзини ерга тикди. Йўқ, у кутганидек бўлмади. Устози ўтган мавзуни унга эринмасдан, ҳижжалаб, қайтадан тушунтира бошлади. Кейин Маъмуржонга шундай танбеҳ берди:

— Сен жуда ўйинқароқсан, бу айб эмас, жиндайгина қамчилигинг. Аслида зеҳнинг жуда ўткир. Астойдил ҳаракат қилсанг, озгина интилсанг, кимё бўйича ҳар қандай қийин масалани ҳам еча олишинг мумкин. Қани, ўзингни бир синаб кўрмайсанми, жўра?!

Ўқитувчи Комилжон аканинг бу гапларидан Маъмуржон ғурурланиб кетди. «Жўра» дея дўстона муносабатда бўлиши эса устозининг ушбу самимиятини оқлашга ундади.

Шу кундан бошлаб Маъмуржон кимё фанини қунт билан ўрганишга киришди. Устози қалбида ёққан бу иштиёқ Маъмуржоннинг умр йўлини белгилади. Олийгоҳда доришуносликдан сабоқ олган Маъмуржон ҳозирги кунда инсонлар соғлигини асраш йўлида меҳнат қилмоқда. Ана шу эзгу ишига туртки бўлган устозидан эса умрбод миннатдор.

Ҳа, бутун умрини фарзандлар камоли учун бахшида этган, бу борада анчайин ютуқларга ҳам эришган, қолаверса, халқ орасида ҳурмат топган, «Шуҳрат» медали соҳиби, халқ таълими аълочиси Комилжон Матёқубовнинг Маъмуржондек шогирдлари жуда кўп.

Комилжон ака 1980 йилда Хоразм Давлат педагогика институтини тамомлаб, Боғот тумани Найман қишлоғи ҳудудида жойлашган 20-умумий ўрта таълим мактабида кимё фани ўқитувчиси бўлиб иш бошлади. Ташаббускорлиги ва жонкуярлиги туфайли эл назарига тушиб улгурган Комилжон акани 1990 йили ташкил этилган иқтидорли болалар лицей-интернати (ҳозирги 3-сон ихтисослаштирилган мактаб-интернати)га ишга таклиф этишди. У зиммасидаги масъулият бир карра ортганини ҳис этиб, янада фидойилик билан ишлай бошлади. Мураккаб кимёвий жараёнларни ўқувчиларга ноанъанавий усулларда, тез ва осон тушунтириш борасидаги изланишлари ўз самарасини берди. Ўқувчилари — Зоҳид Раҳимов, Санъат Қарриев ва Зоҳид Бердиевлар республика миқёсида ўтган фан олимпиадаларида ғолибликни қўлга киритди. Айни кунда Комилжон аканинг бой иш тажрибаси кўплаб ёш ўқитувчиларга ибрат бўлмоқда.

Шу йил Устоз ва мураббийлар куни арафасида мамлакатимиз Президенти Фармонига мувофиқ Комилжон Матёқубов «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

— «Шуҳрат» медалини шахсан Юртбошимиз қўлларидан олар эканман, қалбимдаги ғурурдан энтикиб кетдим. Бу ҳаётимдаги энг қувончли, энг ёрқин онлардир, — дейди устоз педагог. — Камтарона меҳнатим эвазига Президентимизнинг, эл-юртнинг ҳурматига сазовор бўлганимдан жуда бахтиёрман. Шунга аминманки, ёш авлод таълим-тарбияси, камолоти йўлида қилинган ҳар қандай саъй-ҳаракат, албатта, бахтиёрликка, шуҳрат ва ҳурматга етаклар экан.

Дарвоқе, Комилжон ака турмуш ўртоғи Зеваржон опа билан 4 нафар ўғил-қизни тарбиялаб вояга етказди. Бугун фарзандларининг иқболидан, эл-юрт ишига сафарбар эканидан бағоят хурсанд, боши осмонда. Ўз касбига фидойи бундай инсоннинг бахтига ҳавас қилса арзийди.

Юлдуз ҲОЖИЕВА,
«Mahalla» мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

ЧЎЛДА ЯПОН САПОРАСИ

Элликқалъа ўрмон хўжалиги жамоаси асосан Қизилқум ва унга туташ 111минг 295 гектар майдонни эгаллаган ҳудудда иш олиб боради. Ҳудуднинг ятиги бминг 230 гектари тўқайзор ва саксовулзорлардан иборат.

Шунинг учун ҳам элликқалъалик ўрмончилар чўлга "яшил белбоғ" тортишдек ғоят муҳим ва хайрли юмуш билан муттасил шуғулланиб келишяпти. Улар ўтган йили 40 гектарга саксовул кўчатлари ўтказишган эди. Бу йил ҳам шунча майдонни саксовулзорга айлантириш мақсадида қишки кўчат экиш мавсуми барвақт бошлаб юборилди.

— Иқлим қуруқлашиб бораётганини ҳисобга олиб 300 гектар майдонда игнабаргли ўсимликлар кўчатини етиштиришга киришдик, — дейди ўрмон хўжалиги бош муҳандиси Зариф Исмоилов. — Тағин жамоамиз аъзолари япон сапораси кўчатлари етиштиришни ўзлаштириб олишди. Яқин кунларда ушбу хушманзара дарахтнинг дастлабки минг туп кўчатини буюртмачиларга етказиб берамиз. Муҳими, Қизилқумга "яшил белбоғ" тортиш ишлари бундан кейин ҳам изчил давом этаверади.

Асил БЕК,
"Mahalla" мухбири.

Бухоро вилояти

ИШ КЎЛАМИ КЕНГАЙДИ

бунинг натижасида 14 нафар маҳаллий ёшлар доимий иш ўрнига эга бўлишди

Ғиждувон туманидаги "Муҳаммад Мирзо" хусусий корхонаси ўз фаолиятини кенгайтирди. Асосан қурилиш ва тижорат билан шуғулланувчи корхонада яқинда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди.

Корхона раҳбари Рустам Асадов туман марказидан юз километр узоқликда жойлашган "Зафаробод" қўрғонидаги ишламай турган нон цехи биносини хусусийлаштириб, уни қайта ишга туширди.

Бу ишда тадбиркорга Халқ банкининг туман бўлими томонидан ажратилган 55 миллион сўм миқдоридаги кредит маблағи мадад бўлди. Айни пайтда ушбу цехда ишлаб чиқарилаётган сифатли нон маҳсулотлари харидорларга манзур бўлмоқда.

Ҳамроз АЛИ,
"Mahalla" мухбири.

ИМКОНИЯТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИБ...

(Давоми. Боши 1-саҳифада)

2004 йилдан буён фаолият юритаётган "Электрон ҳисоблагич" қўшма корхонаси "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси ҳамда Хитойдаги "Holley Group" корпорацияси ҳамкорлигининг амалий натижасидир. Корхона сармоясининг 40 фоизи Ўзбекистон, 60 фоизи Хитой томонига тегишли. Қўшма корхона электр энергияси сарфини ҳисоблайдиган турли хил ва ўлчамдаги бир фазали ва уч фазали электрон ҳисоблагичлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Корхонада илғор технологиялар асосида тайёрланаётган маҳсулотлар хонадонлар ва ташкилотлар учун мўлжалланган бўлиб, юқори сифати, қулайлиги, халқаро андозаларга мослиги билан ажралиб туради.

"Электрон ҳисоблагич"да етмишга яқин киши меҳнат қилади. Ишчилар учун барча зарур меҳнат ва дам олиш шароити яратилган. Уларнинг касб маҳорати ва малакасини ошириш учун махсус амалий таълим курслари ташкил қилинган.

— Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг, аввало, сифатига катта эътибор қаратяпмиз, — дейди "Электрон ҳисоблагич" қўшма корхонасининг савдо ва ишлаб чиқариш бўйича директори Ойбек Дўстмуҳамедов. — Илгари замонавий электрон ҳисоблагичлар фақат четдан келтирилар эди. Бу турдаги маҳсулотнинг ўзимизда ишлаб чиқарилаётгани катта ҳажмдаги вақтни ва валютани тежаш имконини бермоқда.

Шуни қайд этиш жоизки, қўшма корхонада электр энергияси сарфини ҳисобловчи замонавий автоматлаштирилган тизим ишлаб чиқилган. "Аскуэ" деб номланган ушбу янги тизимни жорий этишнинг афзал жиҳати шундаки, у электр энергиясини тежаш имконини беради. Шунингдек, истеъмолчининг сарф қилинган электр энергияси учун ўз вақтида ва аниқ ҳисоб-китоб қилиб боришини таъминлайди. "Аскуэ" тизимини Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида жорий этиш режалаштирилмоқда.

Маҳсулотларига талаб катта бўлганлиги туфайли корхонада ишлаб чиқариш ҳажми йилдан йилга ошмоқда. 2007 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 6,7 миллиард сўмни ташкил этди. Жорий йилнинг январь-октябрь ойларида эса бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан ўттиз фоиз ошди. Қўшма корхона кунига икки минг дона электрон ҳисоблагич ишлаб чиқариш қувватига эга.

— Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда хорижий ишбилармонлар билан ҳамкорликда иш юритиш учун яратилган қулай шарт-шароит ва имтиёзлар "Электрон ҳисоблагич" қўшма корхонаси учун ҳам катта имкониятлар эшигини очмоқда, — дейди Ойбек Дўстмуҳамедов. — Маҳаллийлаштириш дастурига бинoан "Электрон ҳисоблагич" сингари корхоналарга кўплаб солиқ ва божхона имтиёзлари берилгани бунинг ёрқин далилидир. Масалан, корхонамиз хомашёни импорт қилишда давлат божидан озод этилган. Асосий мақсадимиз — яратилган ана шундай қулай имкониятлардан унумли фойдаланиб, ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш ва маҳсулот турини кўпайтиришдан иборат.

Мамлакатимизда хорижий сармоядорлар билан ҳамкорлик алоқалари йил сайин мустаҳкамланиб бораётгани ўзининг ана шундай амалий самараларини бераётир. Юртимиздаги қулай сармоявий муҳит, қонун билан кафолатланган преференциялар чет эллик ишбилармонлар билан биргаликда истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш баробарида мамлакатимиз иқтисодиётининг янада ривожланишига хизмат қилмоқда.

Мадина УМАРОВА,
ЎзА мухбири.

«Mahalla» жавоб беради

УЙ-ЖОЙ ҚАРЗ ЭВАЗИГА ОЛИБ ҚЎЙИЛМАЙДИ

Савол: **Менга суд қарорида белгиланган тартибда маъмурий жарима солинган эди. Яқинда суд ижрочиси уйимга келиб, жаримани тўлашимни талаб қилди. Мабодо тўламасам, уйимдаги мол-мулкларни олиб кетишини айтди. Айтинг-чи, суд ижрочисининг бу ҳаракати қонунга зид эмасми?**

Жавоб: *Агар сизга маъмурий жарима солинган бўлса, суд ижрочиси ижро ҳужжатидаги талабларни ихтиёрий равишда бажаришингиз учун кўпи билан 5 кун муддат белгилайди. Бу "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонунда белгилаб қўйилган. Талабни ихтиёрий равишда бажармасангиз, қарз мажбурий тарзда ундирилади. Ундирув нақд пулингиз ҳамда банклардаги ва бошқа кредит ташкилотларидаги маблағларингизга қаратилади. Етарли маблағингиз бўлмаса, ундирув бошқа мол-мулклар асосида амалга оширилади. Бунда мулк хатланади ва мажбурий реализация қилинади. Одатда мулк ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисидаги қарор сизга топширилган кундан эътиборан 1 ой муддат ичида, зарур ҳолларда эса қарорни бериш билан бир вақтда хатланади.*

Айтиш жоизки, оилангиз турмуш кечириши учун зарур бўлган уй-жой, квартира, анжомлар, кийим ва бошқа буюмларни қарз эвазига олиб қўйиш мумкин эмас.

АЛИМЕНТ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН, ФАҚАТ...

Савол: **Мен икки нафар вояга етмаган фарзандим таъминоти учун собиқ турмуш ўртоғимдан алимент олиб турар эдим. Ҳозир у ишлаш учун чет элга кетган. 4 ойдан бери алимент пулларини ололмаяпман. Суд ижрочисига мурожаат қилсам, собиқ турмуш ўртоғим хорижда бўлгани учун ҳеч нима қила олмаслигини, фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилишим кераклигини тушунтирди. Суд эса ижрочига мурожаат этишим лозимлигини айтяпти. Мен бу ҳолатда қандай йўл тутишим мумкин?**

Жавоб: *Афсуски, хатингизда собиқ турмуш ўртоғингизни қайси хорижий давлатга кетганлигини айтиб ўтмагансиз. Агар у МДҲ мамлакатларида ишлаётган бўлса, алимент ундириш тартиби "Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий муносабатлар ва ҳуқуқий ёрдам тўғрисида"ги Минск конвенцияси (1993 йил 22 январда қабул қилинган) талаблари асосида амалга оширилади. Бунинг учун алимент ундириш тўғрисидаги ҳал қилув қарорини чиқарган суд томонидан хорижий давлатнинг тегишли суд органига уни тан олиш ва ижро этиш тўғрисида илтимосномa юборилиши лозим. Илтимосномага ҳал қилув қарори, жавобгарнинг судга чақиртирилганлигини тасдиқловчи ҳужжат ва қарорнинг Ўзбекистонда ижро этилганлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинади. Шунингдек, барча ҳужжатлар рус тилига ёки бошқа хорижий давлат тилига таржима қилиниши лозим.*

Дунёдан дараклар

МУКОФОТ СОҲИБЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

БМТ Бош ассамблеяси раиси Мигель д'Эското Брокман БМТнинг инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўйича мукофотининг 7 нафар лауреатини эълон қилди.



Энг илғор инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари деб БМТнинг собиқ Олий комиссари Луиза Арбур, таниқли сиёсатчи Каролин Гомес, Конго Демократик Республикасида жойлашган госпитал директори Денис Муквеге ва «Хьюман райтс вотч» нодавлат ташкилоти топилди.

БМТ матбуот хизматининг хабар беришича, мазкур олий мукофот билан вафотидан сўнг тақдирланган шахслар ҳам бор. Улар – Покистон Халқ партияси раҳбари Беназир Бхутто ва америкалик роҳиба Дороти Стангдир.

Мукофотлар жорий йилнинг 10 декабрида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тантанали маросимда топширилади.

БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича мукофоти 1966 йилда таъсис этилган бўлиб, ҳар беш йилда бир марта инсон ҳуқуқларини мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилишга ҳисса қўшган кишиларга берилади.

ЯПОНИЯ ТЕАТРЛАРИДА РОБОТ-АКТЁРЛАР

Осака университети театрида тарихда биринчи марта саҳна асари роботлар иштирокида саҳналаштирилди. Махсус дастурлаштирилган машиналар актёрлар билан гаплашади ва саҳна бўйлаб ҳаракатланади. "Мен – ишчиман" деб номланган 20 дақиқалик спектакль 2010 йилда саҳнага чиқиши режалаштирилмоқда.

Спектакль муаллифи, драматург Ориза Хиратанинг сўзларига қараганда, роботларнинг инсонлар ҳаётидаги ўрни японияликларни қизиқтирган мавзулардан биридир.

Асар сюжети барча уй ишларини бажарадиган икки роботга эга бўлган бир жуфтликнинг кундалик ҳаётини акс эттирган. Спектакль намойишида Mitsubushi компанияси томонидан ишлаб чиқарилган Wakamaru роботдаридан фойдаланилади.

МИСРДА ЯНА БИР ЭҲРОМ ТОПИЛДИ

Мисрлик археологлар илгари фанга маълум бўлмаган 4,3 минг йил олдин тикланган эҳромни топишди. Ушбу эҳром Тети (эрамиздан аввалги 2325-2295 йиллар) сулоласида олтинчи фиръавннинг онаси – Сешешетта тегишли бўлган, дея хабар бермоқда Миср Қадимшунослик бўйича Олий кенгаши раҳбари Заҳи Ҳавас.

«Бу сўнгги йилларда топилган энг ажойиб топилма», дейди Ҳавас. Эҳром қум устига қурилган бўлиб, чўқурлиги 20 метрга яқин. Ҳаваснинг сўзларига кўра, мазкур қурилишнинг баландлиги бошланғич кўринишида 14 метрни, томонларининг узунлиги эса 22 метрни ташкил этган.

Эътиборли жиҳати шундаки, фиръавн Тети онасининг исми аввалларида ҳам олимларга маълум эди. Археологлар Сешешетнинг қадимда мисрлик дуохонларга сочни соғломлаштирадиган малҳам тайёрлашни буюргани баён қилинган папирус бўлагини топишди.

Ҳавас, олимларнинг Саккара ҳудудидаги изланишлари давом эттирилади, дейди. Саккара фиръавнларнинг биринчи, иккинчи сулолалари ҳамда уларнинг оила аъзолари хилхонаси ҳисобланган. Бу ерга фақаттина амалдорлар дафн қилинган. Қадимий Миср фиръавнларнинг учинчи сулоласи ҳукмронлик қилган даврларда (эрамиздан аввалги 2635-2561 йиллар) – руҳонийларнинг, мақбаралари фиръавнлар беназрлигининг тимсоли ҳисоблана бошлагач, эҳромлар қуриш удум бўлган.

ТОШБАҚА "ТОМОША" КЎРСАТДИ

Гонгконгдаги ресторанлардан бирида байрамона дастурхоннинг энг таниқ таомига айланиши лозим бўлган тошбақа бош ошпазнинг бармоғини тишлаб, знёфатга кўрилаётган тайёргарликни барбод қилди.

Оқибатда Люн исмли ошпазни чап оёғи жимжилоғи синган, деган тахмин билан касалхонага жўнатишди. Ошпазга "ҳужум" қилган 60 сантиметрли юмшоқ қобиқли тошбақа Жанубий-Шарқий Осиёдан тутилган ва қафасга солиниб ресторанга келтирилган эди.

Тошбақанинг "бебошлиги" эвазига банкет бошқа кунга қолдирилди ва тошбақа қисқа муддатга бўлса-да, ўз умрини узайтиришга эришди. Жониворни навбатдаги тантаналарнинг бирида барибир дастурхонга тортиб юборишлари аниқ.

Дарвоқе, Осиёдаги бир қатор мамлакатларда, хусусан, Хитой ва Японияда тошбақа гўшти инсон саломатлиги учун жуда фойдали, деб ҳисобланади ва бу жониворнинг бир донаси бир неча юз евро ҳисобида баҳоланади.

Тадбир — Тошкент шаҳри

ФАОЛИЯТ САРҲИСОБИ

Республика Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамкорлигида «Фавқулодда вазиятлар профилактикаси ва уларнинг олдини олишда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг фаолияти» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг бош мақсади мамлакатимиз аҳолиси ва ҳудудларини табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, уларнинг олдини олиш ва содир бўлганда оқибатларини бартараф этишдан иборат. Шу билан бирга, аҳоли ва ҳудудлар муҳофазаси бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш ва шу асосда фавқулодда вазиятлар чоғида давлат тизимларининг ҳамкорликдаги ҳаракатларини мувофиқлаштириб бориш, бу борада аҳолига кенгроқ тушунча бериш ва уларни фавқулодда вазиятлар чоғида тўғри ҳаракатланишга ўргатиш ҳам вазирлик ходимлари зиммасидаги вазифалар сирасига киради.

— Хавф манбаи юқори бўлган тоғли ҳудудларида истиқомат қилаётган юртдошларимиз учун кўргазмали қуроллар асосида давра суҳбатлари уюштираяпмиз, — дейди вазирликнинг аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш бошқармаси ходими, капитан Ўлмас Мелиев. — Бундан ташқари, кўплаб маҳаллаларда ўқув-маслаҳатхоналаримиз ташкил этилган бўлиб, уларда ходимларимиз зилзила, сув тошқини, ёнғин каби нохуш ҳолатлар содир бўлганида, биринчи навбатда қандай ҳаракат қилиш кераклиги тўғрисида турли адабиётлар, расмлар ва видеофильмлар орқали тушунтириш ишларини олиб бормоқда.

Тадбирда вазирлик фаолияти сарҳисоб қилинди. Шунингдек, вазирликнинг вилоятлардаги бошқармалари фаолияти таҳлил қилиниб, уларга фавқулодда вазиятларда керак бўладиган асбоб-анжомлар, турли хил ускуналар ҳамда «Нексия», «Дамас» автомашиналари топширилди.

Бектош ИСМОИЛОВ,
«Mahalla» мухбири.



Қоровулбозор туманидаги Ал-Бухорий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини вилоятдаги энг намунали ўзини ўзи бошқариш органларидан бири ҳисобланади.

Маҳаллада турли тадбирлар — спорт мусобақалари, танлов ва кўриклар мунтазам равишда ўтказилаётгани, ҳар хил тўгараклар ишлаб тургани боис кейинги икки-уч йилда ёшлар орасида бирорта ҳам жиноятчилик ва қонунбузарлик ҳолатлари қайд этилгани йўқ. Бу борада маҳалла профилактика инспектори Ғолиб Қиличевнинг ҳам муносиб улуши бор.

Ғолиб Қиличев жорий йилда анъанавий "Энг намунали милиция таянч пункти" республика кўрик-танловининг якуний босқичида иштирок этиб, фахрли II ўринни эгаллади. У танлов ташкилотчилари томонидан замонавий компьютер жамланмаси билан тақдирланди.

— Компьютер жамланмаси кундалик фаолиятимда ниҳоятда қўл келяпти, — дейди профилактика инспектори Ғ.Қиличев.

СУРАТДА: Ғ.Қиличев.

Қорақалпоғистон Республикаси

Ислоҳот самараси

АМУДАРЁДА ЯНГИ ЎҚУВ МАСКАНИ

Республиканинг йирик туманларидан бири Амударё марказидан олисроқда 270 ўринли янги умумтаълим мактабининг қурилиш ишлари бошланди.

Бино қурилиши учун зарур бўлган бинокорлик материаллари асосан "Амударё" масъулияти чекланган жамияти томонидан етказиб берилмоқда. Ишни бир маромда ташкил қилиш мақсадида қурувчилар қисқа муддатда 40 миллион сўмлик сифатли темир-бетонлар ва туташтирувчи қанотлар билан таъминланди.

Туманда мустақиллик йилларида фойдаланишга топширилган 20 та умумтаълим мактаби, битта академик лицей ва 5 та касб-ҳунар коллежини барпо этишда ҳам мазкур жамият жамоасининг ҳиссаси бор.

Асил БЕК,
"Mahalla" мухбири.

ХОРИЖГА ҲАМЁН ИШҚИДА

...Дастурхонда кўзни яйратадиган, иштаҳани очадиган барча ноз-неъматлар муҳайё эди. Турли туман таомлар, сархил мевалар дейсизми, салатлар, ширинликлар дейсизми... Ва албатта, дил қулфини очадиган "калит" ҳам. Санамжон кўҳликкина Саодатни дастурхонга таклиф қилди. Тезда тил топишиб олишди. Гап қизигандан қизиди.

— Хуллас, сингилжон шоҳона яшайсан. Ёбичишинг, кийинишинг, ётар-тураринг бепул, — деди Санамжон. — Фақат яхши ишлашинг керак.

— У ёқда нима иш қиламан опажон?

— Ресторанда официанткалик қиласан. Манаман деган бойваччалар хизматида бўласан. Уларга ҳатто бир кружка чой, кофе ёки пиво олиб бориб берганинг учун сенга қўшимча пул беришади. Кўкидан, доллар!..

— Йўғ-е!!!

— Ҳовва, борганингда биласан. Ойига бир, бир ярим, икки минг долларгача топасан... Эртага кел. Лекин, тилингга эҳтиёт бўл – бу ҳақда ҳеч кимга айтма. Уйингдагиларга Тошкентга "Машҳура" фирмасида ҳам ўқиб, ишлагани кетаман, де.

Эртаси куни эрталаб Саодат қўлида икки сумкаси билан Санамжонникига кириб келди. "Таниш, бу қиз – Жамила, – деди уй эгаси. – Шеригинг. Сен билан бирга боради."

Санамжон иккала қизни Тошкентга олиб бориб, Диллора исмли ҳамтовоғига сотиб юборганини Саодат ҳам, Жамила ҳам сезмай қолди. Диллора эса янги "ўлжаларини" уйига бошлади: "Бугун меникида ётасизлар. Эртага ўзим чиптa олиб сизларни Ҳиндистонга кузатиб қўяман". Қизлар қувониб кетишди. Шу палладa иккаласининг ҳам хаёлида бир уй чарх урарди: "Кинoларда кўриб юрганимиз – гўзал Ҳиндистонни энди ўз кўзимиз билан кўрар эканмиз-да. Бир йилга қолмай худди ҳинд кинoлари қаҳрамонларидай бойиб кетамиз!.."

Аммо хаёл бошқа, ҳаёт бошқа экан. Саодат билан Жамилани Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳри аэропортида Диллоранинг синглиси Гулора кутиб олди. Кейин келишиб қўйилганидек, Майкл деган шахсга сотди. Пул учун ҳеч нарсадан тап тортмайдиган Санамжон эса одам савдосини давом эттириб, ўз жиноий шериклари билан ҳамкорликда Хоразмдан Деҳлига яна Мавжуда ва Насиба исмли қизларни жўнатди. Бу қизлар ҳам ўз фуқаролик паспортларини "хўжайин"ларига топшириб, фоҳишабозлик билан шуғулланишга мажбур этилдилар.

Одам савдоси

Санамжон Иброҳимова ўзининг жирканч, қабиҳ қилмишларини яна давом эттириш ниятида эди. Бироқ ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари унинг жиноий хатти-ҳаракатларига чек қўйишди. Айтганча, Санамжоннинг яна бир "сири" фош бўлди: у ўз уйида банғихона очиб, наркотик моддалар савдоси билан ҳам шуғулланар экан.

Қилмиш – қидирмиш. Санамжон Иброҳимова ҳам қилмишига яраша жазосини олди: одил суд ҳукми билан у 9 йиллик муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Лекин шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, маҳалла аҳли, жамоатчилик, ота-оналарнинг ўрни қаерда қолди? Наҳотки, С.Иброҳимованинг қинғир ишларидан маҳалла кишилари, фаоллари бехабар қолишган бўлса? Бизнингча, адашганлар, алданаётганларга тўғри йўл кўрсатиш, нопокликдан, тубанликдан қайтариш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз. Буни ҳеч қачон унутмайлик!

Эрназар РАЖАБОВ,
ҳуқуқшунос.

ПЕШҚАДАМЛИК ҲАР СОҲАДА

"Нукус темир-бетон буюмлари" масъулияти чекланган жамияти Оролбуйидаги турдош корхоналар ичида йил сайин ишлаб чиқариш қуватини ошириб бораётган пешқадам жамоалардан бири ҳисобланади.

Корхонада ўтган йили 1 миллиард сўм миқдоридаги маҳсулотлар тайёрланган бўлса, амалдаги йилнинг ўн ойи давомида буюртмачиларга 1 миллиард 537 миллион сўмлик темирбетон конструкциялари етказиб берилди. Жумладан, энг олис овуллар ва маҳаллаларда 10 та замонавий типдаги академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежи, 6 та умумтаълим мактаби биноларини бунёд этишда корхонанинг сифатли қурилиш материалларидан фойдаланилди. Айни пайтда эса йирик сув иншоотларини барпо қилаётган ташкилотлар буюртмалари билан ишлаб чиқарилган темир-бетон конструкциялари объектларга пешма-пеш етказиб берилаётир.

Даромадга яраш буромад, деганларидек, ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиб бораётгани корхона даромади салмоғига салмоқ бўлиб қўшилмоқда. Шунинг учун ҳам корхонада бугун икки сменада меҳнат қилаётган юзга яқин ишчи-ходимларга барча қулайликлар яратиб берилган. Бу, ўз навбатида, жамоа аъзоларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга, меҳнатдан рағбат туйғусини шакллантиришга, фаолият самарадорлигини юксалтиришга хизмат қилаяпти.

Асил БЕК,
"Mahalla" мухбири.

Касбим — ифтихорим — Қашқадарё вилояти

МАШАҚАТЛИ, АММО ШАРАФЛИ

...Рашида пойтахтдан дили хуфтон, кўзда ёш билан қайтди. Она қизининг кўнглини кўтаришга ҳарчанд уринмасин, уддасидан чиқолмас, аксинча унга қўшилиб, ўзи ҳам йиғлаб оларди.

— Қизимизга далда бер-сангиз-чи, — дея турмуш ўртоғига зорланди. — Йўқса, ўзини ўзи тамом қилади. Зора, сизнинг гапингизни олса...

Омон ака бисотидаги ширин сўзларни ишлатиб, қизини юпатишга уринди: «Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ, ҳали ҳаммаси олдинда», деди.

— Мен ҳеч қачон талаба бўлолмасам керак, дадажон. Дўхтир бўлиш орзуим армонга айланиб қолса-чи?! — деди Рашида ўпкаси тўлиб.

— Ундай дема, қизим, ноумид шайтон. Ҳали ёшсан, ўқишга албатта кирасан...

Табиатан хушчақчақ, ҳазил-мутойибага ўч қиз ҳаётнинг дастлабки синовидан сўнг анчагина босиқ, вазмин бўлиб қолди. У келгуси йили: «Яна институтга киролмай қайтсам, қишлоқдошларим, тенгқурларим олдида қандай бош кўтариб юраман», деган мулоҳаза билан ҳужжатларини Қарши тиббиёт билим юртига топширди. Имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб, талаба бўлди.

Билим юртидаги муҳит, тушунчасию орзулари турлича бўлган янги дугоналар билан танишув, бир-биридан қизиқарли дарслар, машғулотлар Рашидани ўзига тортди, кўнглидаги ғашлик кун сайин тумандек тарқала борди. 1989 йил диплом олиб, Қарши туманидаги поликлиникада ҳамшира бўлиб ишлай бошлади.

Уйдан оёғи узилмай қолган совчилардан бирига розилик бериш вақти аллақачон келган эди. Рашида қишлоқдоши Тожимуродни танлади. Келинлик либоси унинг сарвдек қоматига чунонам яраштдики, «Киройи келининг шундай бўлса», дея орзу қилганлар кўп бўлди. Оила ташвишлари билан тўрт йил ҳам ўтди, қизлари Комила ва Мавлуда туғилди.

Рашида ўзи севган касбини давом эттириш мақсадида 1996 йилда 2-сонли вилоят уруш ва меҳнат фахрийлари шифохонасига ишга кирди. Билими, феъл-атвори, касбига бўлган меҳри билан тезда ҳамкасбларининг ишончини қозонди. Устозлари — тажрибали шифокорлар Раъно Хушвақтова, Эркин Қобиловлардан ҳамширалик сирларини ўрганди.

Қалбида шижоати, касбига муҳаббати тўлиб-тошган Рашида республикамизда биринчи бор ҳамширалар ўртасида ўтказилган «Ҳамшира — 1997» кўрик-танловида иштирок этишга жазм қилди. Буни қарангки, омад кулиб боқиб, ҳамшира Тошкентдан танловнинг биринчи даражали дипломи ва қимматбаҳо совғалар билан қайтди. 1998 йили шифохона маъмурияти Рашида Ҳайитованинг билим ва тажрибасини эътиборга олиб, уни бош ҳамшира этиб тайинлади.

— Ҳамширалик машаққатли, аммо шарафли касб, — дейди Рашида Ҳайитова. — Айниқса, бизнинг шифохонамизда ҳамширалар зиммасига жуда катта вазифалар юклатилган. Негаки, бу ерда даволанувчилар асосан кекса ёшли беморлар. Улар алоҳида эътиборга, ширин сўзга муҳтож. Бўлимимиздаги катта ҳамшира Фотима Санаева, навбатчи ҳамширалар Санамой Ҳакимова, Гулноз Иброҳимова ва бошқалар буни дилдан ҳис этиб ишлашади. Касалхонани қўйинг, уйда ҳам ҳамширалик қилишимга тўғри келади. Кечқурун ишдан қайтганимда маҳалладош аёллар иситмаси кўтарилган, шўҳлик қилиб бирор жойига шикаст етказган фарзандлари билан келиб, мени кутиб ўтирган бўлади. Дарҳол уларга ёрдам беришга киришаман. Гоҳида шифохонага тезкор боришга тўғри келиб қолади. Лекин мен шу касбни танлаганимдан сира афсусланмайман, аксинча кимгадир кераклигимдан, одамларга ёрдамим тегаётганидан қувонаман.

Ҳозирда Рашидахоннинг тўнғич қизи онаси таълим олган масканда, тиббиёт коллежининг умумий бўлимида таҳсил олмоқда. Иккинчиси — мактаб ўқувчиси. Кенжатойи Севинчбек ҳали ёш, боғчага боради. Улардан Рашиданинг умиди катта. Мен эришолмаган орзуларга фарзандларим етишса, етук шифокор бўлса, дейди...

Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ

СУРАТДА: бош ҳамшира Рашида Ҳайитова.

«ХОТИРАМДАГИ ЯХШИ КУНЛАР маҳалламдан бегона эмас»

— дейди Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Олмахон ҲАЙИТОВА

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтининг концерт залига тўпланганлар таниқли хонанда Олмахон Ҳайитованинг «Онам дерман» деб номланган қўшиғини мароқ билан тинглашарди. Қўшиқ авж пардасига кўтарилганда давра мухлисларнинг олқишига тўлиб кетди. Сеҳрли оҳанглар санъатга ошуфта кўнгилларни яна бир қувнатди, денгиздек тўлқинлантирди.

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Олмахон Ҳайитованинг ижодий кечасида санъаткорнинг ижод йўли, миллий мумтоз ҳамда эстрада санъатининг ютуқ ва муаммолари ҳақида сўз борди. Тадбир поёнига етгач, севимли санъаткоримизни суҳбатга чорладик.

— Олмахон опа, миллий қўшиқчилигимиз тарихида Хоразм санъатининг ўзига хос ўрни бор. Мухлислар Сизнинг ижодингизни доимо шу санъатга уйғун ҳолда кўришади. Бу соҳада эришган муваффақиятларингизнинг сири нимада?

— Қўшиқчилик санъатини рамзий маънода чаманга, турфаранг гулшанга ўхшатаман. Негаки, чаманда булбуллар бўлгани каби, санъат гулшанининг ҳам ўз булбулнавоз санъаткорлари кўп.

Хоразм санъатининг тарихий илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалади. XIV-XV асрларда яшаб ижод қилган машҳур мақомчилар Маҳдумзода ва Ниёзхўжа Хоразмийлар, кейинги авлод етакчилари бўлмиш Комил Хоразмию Туронга довруғ солган Харратовлар сулоласи, Матпано Худойберганов, Қурбон ота Исмоилов, Сафо Муғанний, Комилжон Отаниёзов, Ҳожихон, Матёқуб Раҳимов ва бошқа ўнлаб мумтоз санъаткорларимизнинг қўшиқлари асрлар оша мухлисларни хушнуд қилган. Қолаверса, Раҳмон Оллаберганов, Абдушариф Отажонов, Матниёз Юсупов сингари бастакорларимизнинг ҳали биз чинакам ардоқлаб улгурмаган мусиқа-ю наволаридан кимлар руҳланмаган, буюк иқтидорлари олдида бош эгмаган, дейсиз?! Ўзбекистон, Туркманистон, Қорақалпоғистон, Татаристон республикалари халқ артисти Отажон Худойшукуровнинг ёркин сиймоси, бебаҳо таланти барчани ҳайратга солмаганми?!

Ҳали-ҳануз ёдимда Хоразмнинг қирадирларида мол-қўй боқиб юрган 6-7 ёшли қизалоқ эдим. Қўлимда чўпонтаёқ билан болаларча куй чалиб қўшиқ айтиб юрганимда мактабдаги мусиқа устозим (марҳум) Анабиби Машарипова бир қўшиқ ўргатгандилар. «Тонг отмасдан уйғонибди қизбола, Сочин урар ой нури бора-бора» деб бошланувчи ушбу қўшиқ илк бор радиода берилганида қандай ҳаяжонга тушганимни унутолмайман. Талабалик йилларимда санъат соҳасидаги йўналишимни аниқ белгилаб олиш, айтим ва чертим услубларини шакллантириб, таъсирчан ва жозибадор оҳанглар ахтариш орзуйим бўлди. Кўп машқ қилиш жараёнида тингловчига қўшиқнинг сўзини, асл маъносини етказишга алоҳида эътибор бериш муҳимлигини тушуниб етдим. Ахир, қўшиқнинг ҳам нуқта, вергули бўлади. Ўша нуқта, вергулга бепарволик, беписандлик билан қаралса, айтим ва чертимдаги услубгина эмас, ҳатто матндаги бутун бир маъно ўзгариб, қўшиқнинг баҳоси бир тийинга тушиб қолиши ҳеч гап эмас. Ҳа, сўзни бузмай, ҳар бир сатрдаги маънони тингловчига аниқ қироат билан етказиш санъаткорнинг асл ютуғи. Ана шу қоидалар бугунги муваффақиятларимнинг бош омили бўлган, десам хато қилмайман.

Мана, қўлимга тор олиб, санъат саҳнасига чиққанимга салкам эллик йил бўлибди. Шунча вақт орасида катта-катта саҳналарда концерт бердик. Биласизми, бизнинг давримизда ҳар хил студиялару оранжировка қиладиган компьютерлар йўқ эди. Фонограмма деган нарсани билмасдик. Қишлоқларга, маҳаллаларга чиқиб, жонли овозда ижро этардик. Шунинг учун ҳам минглаб мухлисларимиз концерт тугагунча тик оёқда туриб томоша қилишарди. Мухлисларнинг талабига биноан битта ашулани ўнўн беш маротаба айтган пайтларимиз бўлган. У пайтларда қўшиқнинг ҳам, унга шинаванда бўлишнинг ҳам завқи бошқача эди.

— Ҳозир талабаларга Хоразм санъати сир-асрорларидан сабоқ бериш билан бирга «Ўзбекнаво» гастрол концерт бирлашмасининг Хоразм вилояти бўлимига раҳбарлик қиласиз. Тағин тўхтовсиз ижод билан машғулсиз. Бу Сизга қийинчилик туғдирмайдими?

— Буларнинг барчасига улгуриш учун ҳар тонг Аллоҳдан куч-қувват

«Маҳалла» меҳмони

сўрайман. Яратгандан бугунги ишларимга ўзинг ривож бергин, дея илтижо қиламан. Менимча, олдингиздаги вазифаларни ўз вақтида уддалаш учун сидқидилдан интилиш, тинмай изланиш кифоя қилади. Ахир, бежизга «Ҳаракатда — баракат», деб айтишмаган-ку!

Ҳозирги кунда шоир Ошиқ Эркин қаламига мансуб «Юрт ишончи қўлладур», «Айрилиқ ўти тилда ниҳондур» шеърларига куй басталадим. Бу куйларга янада сайқал бериш, уларни жонли овозда ижро этиш борасида талаба шогирдларим билан биргаликда ижод қилмоқдамиз.

— Миллий қўшиқчилигимизнинг ривожи ҳақида қандай фикрдасиз?

— Мумтоз куй-қўшиқларимиз, ўлмас мақомларимиз мазмунан бойлиги, дилларни сеҳрлайдиган даражада сероҳангу дилкушолиги билан авлоддан авлодга ўтиб келмоқда. Асрлар оша сайқалланган «Муножот», «Қора кўзим», «Чапандози сувора» ва «Сувора» туркумидаги бошқа қўшиқлар, «Феруз» сингари мумтоз ашулаларни тинглаганингизда, бутун руҳиятингиз дам олади. Афсуски, кейинги пайтда қадимий куйларимиз аста-секин йўқолиб бораётгандек, назаримда. Ҳозир Ҳожихон, Нурмамат ака, Маткарим ҳофиздек атоқли санъаткорларимиз услубида куйлай оладиган ҳофизлар кўринмайди. Қани эди, ёшларимиз мумтоз куй-қўшиқларни сидқидилдан ўрганиб, ўзларининг ижрочилик дастурларига киритишса. Бебаҳо, бетакрор бу меросимиз дунёсидан баҳра олмай туриб, яхши санъаткор бўлиш қийин.

— Бунинг сабаблари нимада?

— Қадимий куй-қўшиқларимизни айтишнинг ўзи бўлмайди. Айниқса, мумтоз қўшиқларни маромига етказиб куйлаш жуда катта меҳнатни, такрорий машқларни талаб қилади. Ёш кўпроқ меҳнат қилишда, борлиғини шу соҳага бағишлай олишда. Янаям муҳими, ижрочида Аллоҳ берган иқтидор бўлиши лозим. Кейинги пайтда тингловчига завқ бериб, узоқ вақт ёдда қоладиган қўшиқларнинг камайгани тўғрисида кўп гапиряпмиз. Мен ҳар бир қўшиқнинг замирида тингловчини маънавий бойитадиган, керак бўлса, уни тарбиялайдиган руҳ бўлиши керак, деб ўйлайман. Ўша руҳ кайфиятни кўтариши, унга таъсир кўрсатиши — қувонтириши ёхуд ўйлантириши лозим. Тингловчи ана шундай қўшиқни ёқтиради, бир умр ёдида сақлаб қолади.

Лекин шуни ҳам айтишни истардим: айрим иқтидорли ёш санъаткорларнинг ширали овозидан, ижрочилик маҳоратларидан жудаям қувонаман. Бундай иқтидор эгаларининг келажакда маънавий юксак қўшиқлар яратишига ишонаман. Бироқ, улар кўпроқ изланишлари, машаққатли йўлларни босиб ўтишлари керак.

— Табиийки, маҳалладошларингиз ҳам Сизнинг ижодингизни катта қизиқиш билан кузатишади. Маҳалла ҳаётидаги иштирокингиз ҳақида гапириб бермангиз.

— Хоҳ Тошкентда бўлсин, хоҳ Хоразмда, маҳалладошларим билан яхшиёмон кунларда доимо биргамиз. Маҳаллада етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган ёшу қари салом-алигини канда қилишмайди. Қўни қўшниларимизнинг қўли кўксида, бир-бирларига ҳурмат-иззатда бўлишади. Маҳаллада бўладиган тўй-ҳашамларни иложи борича ўзим ўтказиб беришга ҳаракат қиламан. Хотирамдаги яхши кунларни эсласам, албатта, туғилиб ўсган маҳалламдан бегона бўлмайди. Миллий байрамларимиз Наврўз, Мустақиллик айёмларини маҳалладошлар билан бир ойладек нишонлашни яхши кўраман. Бу ота-боболаримиздан мерос қолган меҳр-оқибат, саховат каби туйғуларни шакллантиришга хизмат қилишини ич-ичимдан ҳис қилиб тураман.

Бектош ИСМОИЛОВ суҳбатлашди.

Мулоҳаза

Ўзимизнинг «ЖУМОНГ» ЯРАТИЛАДИМИ?

ёхуд ёшларда Ватанга муҳаббат, садоқат туйғуларини уйғотувчи миллий тарихий сериаллар яратиш вақти келмадимикан?..

Адабиёт ўқитувчиси бўлганим учун ўқувчиларнинг кўплаб ижодий ишларини ўқишимга тўғри келади. Уларда ёшларнинг ҳаётга бўлган муносабати, беғубор дунёқараши акс этади. Шу туфайли ўқувчиларимнинг иншолари билан танишиш менга ўзгача завқ бағишлайди.

Бир гал ўқувчиларга бирор бадиий асар юзасидан иншо ёзишлари кераклигини айтдим. Буни эшитган айрим ўқувчиларда тушкунлик кайфияти пайдо бўлди. Чунки уларнинг ҳаммаси ҳам китоб ўқийвермайди-да. Шу сабабли ўзлари ёқтирган бирор бадиий фильм асосида иншо ёзишларига рухсат бердим. Буни эшитиб, ўқувчиларнинг юзлари ёришиб кетди, тезда ишга киришдилар. Ажратилган вақт тугагач, иншоларни текширишга тушдим. Аксарият ўқувчилар кореялик киноижодкорлар томонидан суратга олинган "Жумонг" сериали ҳақида ёзишибди. Бир иншодаги фикр эътиборимни тортди: "Мен корейс халқи қаҳрамони — Жумонг тимсолида ўзбекларнинг ғурурига айланган Жалолиддин Мангубердини кўргандек бўламан. Жумонгнинг мардлиги, Ватан озодлиги, равнақи, фаровонлиги йўлидаги меҳнатлари менга сабоқ бўлди. Ватанимни Жумонгдек севиш, ардоқлашни ният қилдим. Шу ўринда Жалолиддин Мангубердининг қаҳрамонликларини акс эттирувчи миллий сериал суратга олинишини чин дилдан истадим".

Ҳа, телевидениенинг такомиллашиб бориши ёшлар дунёқарашига ҳам таъсир этаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бугунги авлод бадиий асардаги образлар билан эмас, кино ва телесериаллардаги қаҳрамонлар орзуси билан яшамоқда. Тўғри, бадиий асарнинг инсонни тарбиялашдаги вазифасини бошқа воситалар орқали амалга ошириш қийин. Лекин ўрни келганда, ёшлар тарбиясида телевидениенинг беқиёс таъсири борлигини ҳам унутмаслигимиз лозим.

Айрим кишилар чет эл сериалларини кўришни мақбул топишмайди. Асосий вақтни телевизор қаршисида ўтказиш яхши оқибатларга олиб бормаслигини таъкидлашади. Албатта, бу фикр-мулоҳазаларда ҳам жон бор. Чунки миллий маданият ўрнига, бошқа халқ маданияти кириб келиши сериаллар орқали тез амалга ошади. Агар хориж сериаллари эзгуликни тараннум этса-чи? Масалан, юксак маҳорат билан тасвирга олинган "Жумонг", "Инсон матонати", "Сарой жавоҳири" сингари сериалларнинг ижобий таъсири борлигидан кўз юмиб бўлмайди-ку! Зотан, мазкур сериаллардан ёшлар ёвузликка қарши кураш, ватанпарварлик, меҳр-оқибат, сабр-матонат сингари олижаноб туйғуларни ўрганишади. Лекин фақат хориж сериалларини намойиш этиш ҳам яхшиликка олиб бормайди. Шу боисдан ҳам, фикримча, талаб даражасидаги ўзимизнинг тарихий мавзудаги сериалларимизни яратиш бугуннинг муҳим вазифалари сирасиндир.

Дарҳақиқат, ўзининг кимлигини, қандай аждодларга мансублигини дилдан ҳис қилган ва бундан ғурурланган фарзандларгина келажакда она Ватани учун, халқи учун буюк ишларни амалга оширишга қодир. Фарзанларга бундай туйғуларни сингдиришда эса миллий телесериалларимизни яратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Санобар РАЖАБОВА,
Боғот туманидаги
3-ихтисослаштирилган
мактаб-интернат ўқитувчиси.

МУҲАББАТ ТАЛИСМОНИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Айни кунларда режаларингизни амалга оширишга жиддий киришсангиз, ишда ва оилада юзага келадиган муаммоларнинг олдини оласиз.

СИГИР (22.04-20.05)
Атрофдаги кишилар ва оила аъзоларингиз хатти-ҳаракати сизни қониқтирмаслиги мумкин. Аммо бу ҳолатни сездирманг.

ЭГИЗАКЛАР (21.05-21.06)
Ҳафта давомида кўпгина янги танишлар орттирасиз. Ота-онангиз ва яқинларингиз ҳолидан хабар олишни унутмаслигингиз керак.

ҚИСКИЧБАҚА (22.06-22.07)
Молиявий муаммолар ечимини куч ишлатиб эмас, фикрингизни сўз орқали баён қилиш билан ҳал қилишингиз даркор.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Агар муаммоларингиз суд ёки маъмурий идоралар билан боғлиқ бўлса, бу ишни яқин кунларда амалга оширганингиз маъқул.

ПАРИЗОД (23.08-22.09)
Фикр билдирмаслик сизнинг ютуғингиз. Айнан шу хусусият оилада ва ишда вужудга келиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олади.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Яқин кишингиз ва атрофингиздаги кишилар билан келишмовчиликлар юзага келган бўлса, уларни бартараф этишга шошилинг.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Оила аъзоларингиз ҳаёти учун муҳим бўлган янгилик кутилмоқда. Ўз салоҳиятингизни кўрсатиш фурсати етди.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Шахсий ҳаётингизда бирмунча ўзгаришлар содир бўлиши мумкин. Ҳар қандай масала ечимида қалбингизга қулоқ тутганингиз маъқул.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12-19.01)
Ўзингизга бўлган ишонч туйғуси салбий таъсирини ўтказиши мумкин. Айниқса, ижодий салоҳиятингизнинг сусайишига олиб келади.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Атрофдагилар фикрини эшитишни ўрганишингиз керак. Айниқса, оила аъзоларингизга эътиборлироқ бўлишни унутманг.

БАЛИК (19.02-20.03)
Иш ва уй юмушларига жиддий ёндашишингиз керак. Шундагина турли келишмовчиликларнинг олдини олган бўласиз.

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси Республика бошқаруви жамғарманинг Андижон вилояти бўлими қошидаги "Маҳалла уста ҳунарманди" шўъба корхонаси директори ўринбосари **Актамбек ҲАЙДАРОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади

Тошкент шаҳри

Дўппи тикдим ипаклари тиллодан

Пойтахтимизда жойлашган биринчи Тошкент педогогика коллежида Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган "Дўппи тикдим ипаклари тиллодан" республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичи ғолиблари иштирок этди.

— Ёшларимизни миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялаш олдимизда турган муҳим вазифалардан биридир, — дейди Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Акбарова. — Чунки халқнинг урф-одатларидан фахрланган ва уни эъзозлаган авлодгина юртнинг эртанги тараққиётини белгилай олади. Ушбу кўрик-танловдан кўзланган асосий мақсад ҳам ёш авлодга анъаналаримизга бўлган эҳтиром туйғуларини сингдириш ва миллий каштачилик ва дўппидўзликни улар орасида кенг тарғиб қилишдан иборатдир.

Ижодий беллашувга бой бўлган кўрик-танловда юртимизнинг ҳар бир ҳудудига хос дўппилар, миллий либосларимиз намойиш этилди.

Ўз мухбиримиз
Суратда: танловдан лавҳа.
ЎзА олган сурат.

"БУНЁДКОР" ВА "ПАХТАКОР"

Осиё Чемпионлар лигасининг 2009 йилги мавсумида юртимиз шарафини ҳимоя қилади

Осиё Футбол Конфедерациясининг Про-лига қўмитаси келгуси йили қитъа чемпионлар лигаси мусобақаси янги кўринишда ўтказилишини маълум қилди. Унга кўра, ОФКнинг энг нуфузли мусобақасида келгуси мавсумдан бошлаб 32 та жамоа иштирок этади.

Футбол ишқибозларига яхши маълумки, ОФКнинг шу йил май ойида эълон қилган дастлабки қарорига биноан Ўзбекистондан битта клуб, у ҳам бўлса, саралаш босқичидан баҳсларни бошлаши лозим эди. Хайриятки, ОФК Про-лигасининг бу галги қарори биз учун бирмунча адолатли кўринди: мусобақада икки жамоамиз — "Бунёдкор" ва "Пахтакор" юртимиз шарафини ҳимоя қиладига бўлди. Иккала жамоамиз ҳам ўйинларни гуруҳ босқичидан бошлайди.

Футбол

Умуман мусобақада қитъанинг Ғарб минтақаси жамоалари "A", "B", "C", "D" ҳамда Шарқ минтақаси клублари "E", "F", "G", "H" гуруҳларига ажратилган. Биринчи тўртта гуруҳда Эрон ва Саудия Арабистонидан 4 тадан, Бирлашган Араб Амирликларидан 3 та, Қатар ва Ўзбекистондан эса 2 тадан жамоа ғолиблик учун кураш олиб борса, кейинги гуруҳларда эса Япония, Жанубий Корея ва Хитойдан 4 тадан, Австралиядан 2 та, Индонезиядан 1 та клуб қатнашади. Шунингдек, саралаш баҳсларида жами 8 та клуб гуруҳ босқичига бериладиган икки йўлланма учун майдонга тушади.

Мусобақага келгуси йилнинг 7 январь куни БААнинг Абу-Даби шаҳрида қуръа ташланади. Гуруҳ босқичи ўйинлари 2009 йил 10 мартдан 20 майгача ўтказилади. Ҳар бир гуруҳдан иккитадан жамоа кейинги босқич (плей-офф) йўлланмасини қўлга киритади. Эътиборлиси, нимчорак учрашуви битта ўйиндан иборат бўлиб, унга гуруҳда биринчи ўринни эгаллаган жамоалар мезбонлик қилади. Чорак финал (23, 30 сентябрь кунлари) ва ярим финал (21, 28 октябрь кунлари) учрашувлари эса уй-сафар тизимида ўтказилади. Финал учрашуви 6 ёки 7 ноябрь куни Япония пойтахти Токио шаҳрида ташкил қилинади.

Ойбек АБДУЛЛАЕВ

Ўгит ўрнида

Рўпарадаги ОДАМ

Катта кўприкнинг четида бир кишилик йўлакча бор. Унинг ҳар икки томонидан йўловчи чиқса, бири иккинчисига йўл бериши учун ёнбошлаб туриши керак.

Йўлакчанинг бу бошидан йўлга чиққан Тошпўлат рўпарадан келаётган одамга ғалати қараб қўйди: «Иккимизнинг ёшимиз тенгга ўхшайди. Қизиқ, ким кимга йўл бераркин?» Тошпўлат рўпарадаги одамнинг йўл беришини хоҳлаётганини яширмоқчи бўлгандек гавдасини сал кўтариб қўйди. Назарида, рўпарадаги одам ҳам қаддини ростлагандек бўлди. Ўртадаги масофа қисқарган сари Тошпўлатнинг фикри қатъийлашиб борарди: «Барибир, у менга йўл бериши керак!» Рўпарадаги одамнинг юзидаги самимийлик «Сиз менга йўл берсангиз бўлмайдими?» қабилидаги саволомуз ифода билан алмашгандек туюлди. У ерга қараб келар, ҳар замонда бошини кўтариб қўярди. Тошпўлат эса ҳадеб қаддини ғоз тутишга уринарди.

Ўртадаги масофа қадам товуши эшитиладиган даражада қисқаргач, рўпарадаги одам кўприкдан пастга қаради, у безовта эди. Тошпўлат унинг йўл беришига астойдил ишонди: «Менинг дадил ҳаракатларимдан устунлигимни англади, чоғи».

Рўпарадаги одам кўприк устидаги панжарага қўлини қўйиб, тескари ўгирилиб олди. Тошпўлат бемалол ўтиб кетиши мумкин бўлса ҳам рақибидан йиқилган полвондек бўшашиб кетди. «Бу одам ниҳоятда айёр экан. Ундан устун эканимни исботлашим шарт. Лекин қандай қилиб? Туртиб ўтсаммикин? Йўқ, бўлмайди. Яхшиси, бирон ёрдам керакмасми, деб сўрайман. Ким биринчи гап бошласа, ўша устун-да».

— Ҳа, биродар. Кўприкнинг қоқ ўртасида тўхтаб турибсиз?

— Нима, мумкинмасми? — қош чимирди «рақиб».

Тошпўлатнинг энсаси қотди, бепарво ўтиб кетмоқчи бўлди. Лекин «рақиби» унга йўл беришни унутгандек эди.

— Биродар, мен ўтиб кетмоқчи эдим.

— Марҳамат, қўлингиздан тутиб турганим йўқ.

— Орқангизни ўгириб турибсиз-ку! Қандай ўтиб кетаман?

— Агар аёл киши бўлганимда хижолат бўлишингиз мумкин эди. Ўтиб кетавермайсизми, гапни айлантирмай.

Тошпўлатнинг росмана жаҳли чиқди, жарликдан сакрамоқчи бўлган кийикдек ортга тисланди. Рўпарадаги одам эса буни сезгандек олд томонга ўгирилди:

— Оббо, одамни эзвордингиз-да. Мана, ўтинг, ўта қолинг. Мен ҳам йўлимдан қолмай.

Бирдан Тошпўлатнинг қайсарлиги тутиб, юргиси келмай қолди. Шу тобда у ғолиблигини ҳам, мағлублигини ҳам билмасди.

— Йўл юрганники, — дея гап бошлади рўпарадаги одам. — Йўловчиларнинг ҳар бири йўл меники, деб йўлга чиқади. Энг қизиғи, зўрлар йўлда бемалол, эркин, ожизлар эса бировга туртилиб кетмай, деб елка қисиб юради. Узоқдан кўкрак кериб келаётганингизни кўрибоқ йўл меники, деганингизни тушундим. Лекин менда ҳам ғурур бор, сизга эгилиб, йўл бўшатгандек кўра, тик туришни маъқул кўрдим.

Бу гаплардан Тошпўлатнинг ғурури дарз кетгандек бўлди.

— Ундай бўлса, нега ўгирилиб олдингиз?

Рўпарадаги одам масхараомуз тиржайди:

— Мағлуб бўлганингизни кўрмоқчийдим.

— Ким айтди мени мағлуб бўлди деб? — Тошпўлат жаҳлини зўрға жиловлаб тик қаради.

— Ҳалиям ўзингизни ғолибман, деб ўйлаяпсизми? Ахир, сиз йўлни зўрлик билан тортиб олдингиз-ку! Агар билсангиз, сиз билан биз бу дунёга бир-биримизни мағлуб этгани келганмиз.

— Шундай-куя, лекин ҳаётда кучлилар ва кучсизлар бор. Буни инкор этмасангиз керак, — деди шу пайтгача бировга сўз бермаган Тошпўлат ноилож вазиятдан чиқиш учун.

— Албатта, лекин йўлдан одамлар бир-бирини турткмай, озор бермай кетаверса бўлади. Шусиз ҳам бу йўл ўнқир-чўнқир, сирпанчиқ ва тойғоқ. Мабодо ҳозир мен сизга йўл бермаганимда туртиб ўтардингиз, тўғрими?

Тошпўлат авлиёга йўлиққандек анграйиб қолди: «Ё тавба, туртиб ўтмоқчилигимни ҳам сезган экан».

— Йўғ-е, бунақа фикрим йўқ эди... фақат...

— Биродар, Ибн Сино чанг бўлмаса инсон минг йил яшарди, деган экан. Мен эса одамзод бир-бирига озор бермаса минг йил яшарди, дейман. Озор — умр кушандаси. Ҳа, майли, сизни ҳам йўлдан қолдирмай. Марҳамат, сиз олдинга ўтинг, мен ортингиздан юраман.

— Ие, ахир сиз нариги қирғоққа ўтмоқчи эдингиз, шекилли.

— Мен шу кўприкда туриб, сувнинг оқишини томоша қилишни ёқтираман. Бугун ҳам шу мақсадда бу ерга келган эдим...

Йўловчилар йўлга тушишди. Энди бир кишилик торгина йўлакчадан уларнинг иккови ҳам бир-бирига халақит бермай, ёнма-ён кетиб боришарди...

Ҳамид НОРҚУЛ

Mahalla
МУАССИС: Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқаруви

Бош муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар: 236-53-93
236-55-69, 236-57-62
Факс: — 233-44-25

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 2006 йил 6 декабрда 0019 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32-уй

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 2 босма тобоқ.
Бахоси келишилган нархда

Навбатчи муҳаррир: Ҳамза Абдуллаев
Мусаҳҳиҳ: Моҳичеҳра Латипова
Саҳифаловчи: Фаррух Расулов

11426 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-1120 Топширилди — 00.20
2 3 4 5 6